Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# Қишлоқ ҲАҚИҚАТИ

1990 йил 3 октябрь
ЧОРШАНБА.
№ 225 (5.018).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин.

## ПРЕЗИДЕНТ КЕНГАШИНИНГ БИРИНЧИ МАЖЛИСИ

1 октябрь куни Ўзбекистон ССР Президенти Кенгашининг биринчи мажлиси бўлди.

Унда Кенгаш олдида турган вазифалар, унинг амалий фаолияти масалалари, жумҳуриятдаги ижтимоий-сиёсий вазият ва бозор иқтисодиётига ўтиш муаммолари муҳокама қилинди.

И. А. Каримов Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти Президенти лавозимини эгаллаб, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларининг, Ўзбекистон ССР Конституциясига қатъий амал қилишнинг кафили бўлишдек улкан масъулиятни ўз зиммасига олганлигини таъкидлади.

Шу вақтгача қилинган ва ҳозир амалга оширилаётган барча ишлар, деди Президент, асосий мақсадга — жумҳуриятнинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигига эришишга, жумҳурият халқлари турмушини яхшилашга қаратилган.

Бозор иқтисодиётига ўтиш ана шу мақсадга эришиш йўлларидан биридир. Жумҳуриятда бозорга ўтишнинг ўз дастури мавжуд. Жумҳурият ҳукумати ҳозир бозор иқтисодиётига ўтиш дастурини ишлаб чиқиш билан шуғулланмоқда, бу дастур муҳокама қилиш учун Ўзбекистон ССР Олий Советининг яқинда бўладиган сессиясига тақдим этилади.

Жумҳуриятда демократия ва сиёсий фикрларнинг хилма-хиллиги кучайиб бормоқда. Фуқаролар аҳиллиги йўлини ишлаб чиқиш, барча кучларни бирлаштириш ана шу демократия ва сиёсий фикрлар хилма-хиллигининг мақсади бўлиши керак. Фақат шундагина биз ҳозир бошимиздан кечираётган тарихнинг мураккаб пайти тақозо этган энг муҳим вазифаларни ҳал қила оламиз. Шу муносабат билан Президент Ўзбекистон халқларининг манфаатини, уларнинг осойишта ва фаровонлигини қадрлайдиган барча кишиларни амалий ҳамкорлик қилишга чақирди.

Жумҳуриятда юз бераётган сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий жараёнларни ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш, энг мақбул ечимларни танлашда Президентга билимдонлик билан ёрдам бериш Президент Кенгашининг асосий вазифаси эканлиги таъкидланди.

Мажлисда Ўзбекистон ССР Президент Кенгашининг барча аъзолари сўзга чиқдилар.

(ЎзТАГ).

## Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти Президентининг Фармони

## ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРЕЗИДЕНТИ КЕНГАШИНИНГ ТАРКИБИ ТЎҒРИСИДА

ҚУЙИДАГИЛАР ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРЕЗИДЕНТИ КЕНГАШИНИНГ АЪЗОЛАРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАНСИН:

Ўртоқ Владимир Тўйчиевич **Одилов**, Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси токарлар бригадасининг бошлиғи;

Ўртоқ Сарвар Олимжонович **Азимов**, Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри;

Ўртоқ Тимур Арслонович **Валиев**, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Кибернетика институтининг бош илмий ходими;

Ўртоқ Вячеслав Мухторович **Камолов**, Ўзбекистон ССР ички ишлар министри;

Ўртоқ Тулепберген **Қаипбергенов**, Қорақалпоғистон АССР Ёзувчилар уюшмаси бошқарувининг раиси, Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси;

Ўртоқ Шукурулла Раҳматович **Мирсаидов**, Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгашининг Раиси;

Ўртоқ Акмал Холматович **Саидов**, Ўзбекистон ССР Ёшлар ташкилотлари комитетининг раиси;

Ўртоқ Эркин **Самандаров**, Хоразм вилоят партия комитетининг котиби, шоир, СССР Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси;

Ўртоқ Виталий Николаевич **Сигедин**, В. И. Ленин номли Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг директори;

Ўртоқ Бахтиёр Султонович **Ҳамидов**, Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгаши Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Давлат план комитетининг раиси;

Ўртоқ Ҳалима Умматқуловна **Худойбердиева**, «Саодат» журналининг бош муҳаррири;

Ўртоқ Баҳромжон Маҳмудович **Эргашев**, Фарғона вилояти Ленинград районидаги Энгельс номли колхоз раиси;

Ўртоқ Шукрулло **Юсупов**, Ўзбекистон ССР халқ шоири, СССР Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси;

Ўртоқ Эркин Юсупович **Юсупов**, В. И. Ленин номли Тошкент давлат дорилфунунининг ректори.

**Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳуриятининг Президенти**

**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри. 1990 йил 1 октябрь.

## Ўзбекистон ССР Президенти Кенгашининг аъзолари

### Владимир Тўйчиевич ОДИЛОВ



1948 йилда туғилган, ўзбек, 1972 йилдан КПСС аъзоси, тугалланмаган олий маълумотли, Тошкент авиация техникумини битирган, Тошкент политехника институтида таҳсил олмоқда.

Меҳнат фаолиятини 1964 йилда В. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида бошлаб, токарнинг шогирди, 5-разрядли токарь, мастер, механика цехининг токари бўлиб ишлаган. 1989 йилдан буён СССР Олий Советининг аъзоси, Иттифоқдош ва мухтор жумҳуриятлар, мухтор вилоятлар ва округларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти масалалари комиссиясининг аъзоси.

1982-1986 йилларда Касаба уюшмалари Бутуниттифоқ марказий кенгаши — ВЦСПС аъзоси, 1986-1990 йилларда КПСС XXVII съездида КПСС Марказий Тафтиш комиссияси аъзолигига сайланган.

СССР халқ депутати. СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси.

II ва III даража Меҳнат Шуҳрати орденлари, СССР медаллари билан мукофотланган.

ВЛКСМ XVII съездига, СССР касаба уюшмаларининг XVII съездига, Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездига ва КПСС XXVII съездига делегат қилиб сайланган.

### Тимур Арслонович ВАЛИЕВ



1924 йилда туғилган, ўзбек, 1955 йилдан КПСС аъзоси. Олий маълумотли, Ф. Э. Дзержинский номли Олий ҳарбий-денгиз инженерлари билим юртини ҳамда Ҳарбий-денгиз академиясини тугаллаган, ихтисоси жиҳатидан олий малакали электрчи инженер, техника фанлари доктори, профессор.

Улуғ Ватан уруши қатнашчиси. 1947 йилдан 1964 йилга қадар СССР Ҳарбий-Денгиз Флотида офицерлик лавозимларида ишлаган.

Запасга бўшатилгандан сўнг 1964 йилдан буён жумҳурият Фанлар академияси системасида Механика институти ва ҳисоблаш марказининг катта инженери, Ўзбекистон «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳисоблаш маркази бўлган Кибернетика институти лабораториясининг мудири бўлиб ишлаган. 1989 йилдан бошлаб Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ҳисоблаш маркази бўлган Кибернетика институтининг бош илмий ходими.

Информатика соҳасидаги таниқли олимнинг Иттифоқимизда ва чет элларда 124 та илмий асари босилиб чиққан. Унинг илмий раҳбарлигида 15 та номзодлик, докторлик диссертациялари ҳимоя қилинган. Ҳукуматнинг 16 та мукофотини олган, II даражали «Ватан уруши», «Қизил Юлдуз» орденлари ва медаллар билан тақдирланган.

### Тулепберген ҚАИПБЕРГЕНОВ



1929 йилда туғилган, қорақалпоқ, 1954 йилдан КПСС аъзоси. Олий маълумотли, Қорақалпоқ давлат педагогика билимгоҳини битирган. Меҳнат фаолиятини 1945 йилда Қорақалпоғистон АССР Кегайли районидаги ўрта мактабда ўқитувчиликдан бошлаган. Сўнгра «Қорақалпоғистон адабиёти ва санъати» ойномасида адабий ходим бўлиб ишлади. Эллигинчи йилларнинг бошларида мухтор жумҳурият адабий ҳаётида иштирок этади.

Қорақалпоқ, ўзбек, рус тилларида ва СССР халқларининг бошқа тилларида унинг ўнлаб китоблари босилиб чиққан, айрим асарлари чет тилларга таржима қилинган. Адабий асари учун Қорақалпоғистон АССРнинг Бердах номли давлат мукофотига, Ўзбекистон ССРнинг Ҳамза номли давлат мукофотига сазовор бўлган. 1986 йилда уч китобдан иборат «Қорақалпоқлар ҳақида достон» тарихий асари учун унга СССР Давлат мукофоти берилган.

1980 йилда Қорақалпоғистон АССР Ёзувчилар уюшмаси ҳайъатининг раислигига сайланади. Кўп йиллардан буён у Ўзбекистон ССР ва СССР Ёзувчилар уюшмаси раҳбар органларининг аъзосидир. Адибнинг асосий мавзуларидан бири — Орол денгизининг қуриб бориши билан боғлиқ экология фалокатидир.

У СССР халқ депутати, СССР Олий Советининг аъзоси, Қорақалпоғистон АССР халқ депутати, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси. «Ҳурмат Белгиси» ордени билан мукофотланган.

### Акмал Холматович САИДОВ



1958 йилда туғилган, ўзбек, партиясиз. Олий маълумотли, В. И. Ленин номли Тошкент давлат дорилфунунини ҳамда СССР Фанлар академияси Давлат ва ҳуқуқ билимгоҳи аспирантурасини тугаллаган, 1990 йил сентябрида докторлик диссертациясини ёқлаган.

1985 йил февралидан декабригача Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг И. М. Мўминов номли Фалсафа ва ҳуқуқ илмгоҳининг катта илмий ходими, сўнгра Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Фалсафий, иқтисодий ва ҳуқуқий фанлар бўлимининг илмий котиби бўлиб ишлади.

1986 йилдан 1987 йилга қадар Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетида тарғибот ва ташвиқот бўлимининг лектори бўлиб ишлади. 1987-1989 йилларда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ билимгоҳи давлат ҳуқуқи ва совет қурилиши шўъбасига мудирлик қилди. 1989 йилнинг мартидан декабрига қадар Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети Мафкуравий бўлимининг мудири бўлиб ишлади. 1989 йилнинг декабрида Ўзбекистон ССР Ёшлар ташкилотлари комитетининг раиси этиб сайланди.

Халқ депутатлари посёлка Советининг депутати. 1990 йил июнида Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитети таркибига сайланди.

СССР Ёшлар ташкилотлари комитети ҳайъати бюросининг аъзоси, Осиё ва Тинч океан минтақаси ҳуқуқшунослари халқаро уюшмасининг аъзоси, . СССР ҳуқуқшунослар уюшмасининг аъзосидир.

### Сарвар Олимжонович АЗИМОВ



1923 йилда туғилган, ўзбек, 1953 йилдан КПСС аъзоси. Олий маълумотли, В. И. Ленин номли Ўрта Осиё давлат дорилфунунини битирган. Ўзбекистон халқ ёзувчиси, филология фанлари доктори, СССР Министрлар Кенгаши ҳузуридаги Адабиёт, санъат ва архитектура соҳасидаги Ленин ва Давлат мукофотлари комитетининг аъзоси.

Меҳнат фаолиятини 1946 йилда Ўзбекистон ССР Радиокомитетида масъул муҳаррирликдан бошлаган. 1949-1954 йилларда Ўзбекистон ССР Адабиёт музейида, Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтида илмий иш билан шуғулланган. 1954 йилдан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бўлим мудирининг ўринбосари, бўлим мудири, 1956 йилдан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳайъатининг биринчи котиби, 1957 йилдан маданият вазири, Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри. 1969-1980 йилларда СССРнинг Ливандаги, сўнгра Покистондаги элчиси.

1980 йилдан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳайъатининг биринчи котиби, СССР Ёзувчилар уюшмаси ҳайъатининг котиби, 1988 йилдан бошлаб эса — Ўзбекистон ССР ташқи ишлар вазири.

Ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг депутати. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби.

Учта Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланган, жумҳурият Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси.

### Вячеслав Мухторович КАМОЛОВ



1940 йилда туғилган, ўзбек, КПСС аъзоси. Олий маълумотли, Тошкент гидрометеорология техникумини ва СССР Давлат хавфсизлиги комитетининг Ф. Дзержинский номли олий мактабини тугаллаган.

Меҳнат фаолиятини 1960 йилда Тошкент вилоятидаги «Турк» гидрометеорология станциясида техник-гидролог бўлиб ишлашдан бошлаган. сўнгра Тошкент вилоятидаги «Қизилча» қор кўчки станциясида катта техник-гидролог бўлиб ишлаган. Совет Армиясида хизмат қилиб қайтгач, Тошкент авторемонт заводида силлиқловчи, қирғиз авиаотрядида радист бўлиб ишлаган. 1965 йилдан 1989 йилга қадар давлат хавфсизлиги органларида оператив вакил, катта оператив вакил, бўлинма бошлиғи, СССР Давлат хавфсизлиги комитети бўлим бошлиғининг ёрдамчиси, Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитети бошқарма бошлиғининг ўринбосари, бошқарма бошлиғи бўлиб ишлаган. 1986—1989 йилларда Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитети раисининг биринчи ўринбосари бўлган. 1989 йилдан Ўзбекистон ССР ички ишлар вазиридир. Генерал-майор.

Қизил Юлдуз ордени, СССР медаллари, «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ҳуқуқшунос» фахрий унвони билан тақдирланган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси.

### Шукурулла Раҳматович МИРСАИДОВ



1939 йилда Ленинобод шаҳрида туғилган, ўзбек, 1962 йилдан КПСС аъзоси. Олий маълумотли, Тошкент Молия-иқтисод билимгоҳини тугаллаган, иқтисод фанлари доктори.

Меҳнат фаолиятини 1959 йилда Тошкент вилоят план комиссиясининг иқтисодчиси бўлиб ишлашдан бошлаган. Шундан кейинги йилларда Тошкент вилоят план комиссияси катта иқтисодчиси, шўъба бошлиғи, раис ўринбосари, Тошкент вилоят ижроия комитети бошқармасининг бошлиғи бўлиб ишлаган. 1971 йилдан шаҳар план комиссиясининг раиси, Тошкент шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари бўлиб ишлади. 1981 йилда Ўзбекистон ССР Давлат план комитети раисининг ўринбосари, сўнгра биринчи ўринбосари, 1984 йилда эса жумҳурият Марказий ҳисоблаш бошқармасининг бошлиғи этиб тайинланади. 1985-1988 йилларда Тошкент шаҳар ижроия комитети раиси, сўнгра Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ижтимоий-иқтисодий бўлимининг мудири бўлиб ишлайди, 1989 йил августидан Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгаши Раисининг ўринбосари, жумҳурият Давлат план комитетининг раиси бўлиб ишлайди.

1990 йил март ойида Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгашининг Раиси этиб тайинланади. КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзоси, Ўзбекистон ССР халқ депутатидир. Меҳнат Қизил Байроқ, Халқлар дўстлиги. «Ҳурмат Белгиси» орденлари билан мукофотланган.

### Эркин САМАНДАРОВ



1935 йилда туғилган, ўзбек, КПСС аъзоси, олий маълумотли, Хоразм давлат педагогика билимгоҳини тугаллаган, педагог.

1957—1958 йилларда ўрта мактаб муаллими, сўнгра «Пахтакорлар овози» Урганч район рўзномаси таҳририятида, Хоразм вилоят ижроия комитетининг радиоэшиттириш комитетида, «Хоразм ҳақиқати» вилоят газетаси таҳририятида ишлади, вилоят партия комитетининг инструктори, Хоразм вилоят ижроия комитети матбуот бошқармасининг бошлиғи, Ўзбекистон Компартияси Хоразм вилоят комитети тарғибот ва ташвиқот бўлимининг мудири бўлди, Ўзбекистон ССР Давлат телевидение ва радиоэшиттириш комитетида ишлади. У ўнлаб шеърлар тўпламлари, бир неча пьеса, драма асарлари, қўшиқлар муаллифидир.

1977—1990 йилларда «Хоразм ҳақиқати» вилоят рўзномасининг муҳаррири, сўнгра Ўзбекистон Компартияси Хоразм вилоят комитетининг котиби, Ўзбекистон Компартияси Хоразм вилоят комитетининг котиби — бўлим мудири.

СССР медаллари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Журналистлар уюшмаси ҳайъатининг аъзоси. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган журналист. Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати.

(Давоми иккинчи бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК ЖУМҲУРИЯТИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### ЎРТОҚ А. МАҲМУДОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ТАШҚИ САВДО ВА ЧЕТ ЭЛЛАР БИЛАН АЛОҚА ДАВЛАТ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ ҚИЛИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўртоқ Анвар Маҳмудов Ўзбекистон ССР Ташқи савдо ва чет эллар билан алоқа давлат комитетининг раиси этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳуриятининг Президенти**

**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1990 йил 1 октябрь.

## Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгашининг қарори

### ЎРТОҚ А. Ю. КАРИМОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ВАЗИРЛАР КЕНГАШИ ҲУЗУРИДАГИ АҲОЛИГА МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ЖУМҲУРИЯТ ДАВЛАТ-КООПЕРАТИВ МАРКАЗИНИНГ РАИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши қарор қилади:
Ўртоқ Азиз Юнусович Каримов Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш жумҳурият давлат-кооператив марказининг раиси этиб тайинлансин.

Тошкент шаҳри,
1990 йил 1 октябрь.

## Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгашида

Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгаши Ўзбекистон ССР Президентининг 1990 йил 28 сентябрдаги Фармонини бажариш юзасидан «Узбекэнерго» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва «Узбекгидроэнергострой» давлат қурилиш-монтаж трести базасида Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлигини тузиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Иссиқлик ва гидравлик электр станциялари, электр ва иссиқлик тармоқлари корхоналари, Ўзбекистон энергетика-созлаш, Ўзбекистон энергетика назорат корхоналари, қурилиш-монтаж трестлари, савдо ишлаб чиқариш бирлашмалари, шунингдек бошқа корхоналар ва ташкилотлар министрлик ихтиёрига берилди.

Ўзбекистон ССРнинг янги ташкил этилган Энергетика ва электрлаштириш министрлиги зиммасига бозор муносабатларига ўтиш шароитида жумҳурият халқ хўжалиги ва аҳолисининг электр ва иссиқлик қувватига тез ортиб бораётган эҳтиёжларини тағин ҳам тўлароқ қондириш мақсадида келгусида тармоқни ривожлантиришга қаратилган мураккаб вазифаларни ҳал қилиш юклатилмоқда.

Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлигининг ташкил этилиши электр энергия ҳосил қилиш, тақсимлаш, электр станциялар, электр тармоқларини ва иссиқлик билан таъминлаш иншоотларини қуриш, жумҳуриятда якка тартибда уй-жой қуриш жадал ривожлантирилаётганлиги муносабати билан янгидан барпо этилаётган аҳоли пунктларини электрлаштириш масалаларини ҳар томонлама ҳал қилишга кўмаклашади.

Тегишли жумҳурият идораларига Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги тузилганлиги билан боғлиқ молиявий-иқтисодий масалаларни ҳал қилиш топширилди.

